

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---


---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019



**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Бердиалиев, М.Зокиров</b>	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси .....	88
<b>Ш.Турдиматова</b>	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимиға мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида.....	92
<b>М.Эргашев</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида .....	98
<b>Х.Исмоилов</b>	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир .....	101
<b>ИЛМИЙ АҲБОРОТ</b>	
<b>Г.Тиллабаева</b>	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала.....	105
<b>М.Ахмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов</b>	
(BIXSB1-X) 2ТЕЗ поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили .....	109
<b>М.Хакимов, М.Маматкулов</b>	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш .....	112
<b>М.Холиков</b>	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари .....	114
<b>Ф.Адилов</b>	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида) .....	116
<b>Т.Тургунбаев</b>	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмига таъсири .....	119
<b>Э.Тажимирзаев</b>	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида) .....	123
<b>Р.Аҳмедова</b>	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
<b>В.Ишқуватов</b>	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги .....	129
<b>К.Пулатов</b>	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида) .....	132
<b>С.Мўминов, Ш.Мўминов</b>	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари .....	135
<b>Б.Жўраева</b>	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари .....	137
<b>М.Назирқулова</b>	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш .....	140
<b>М.Саидакбарова</b>	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари .....	144
<b>М.Деҳқонова</b>	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни .....	147
<b>Ф.Анварова</b>	
Бошлангич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар ....	151
<b>И.Қирғизов, F.Нажметдинов, А.Исмоилов</b>	
Мусиқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти .....	154
<b>Ф.Эркабаева</b>	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари .....	156
<b>А.Хасанов</b>	
Ҳарбий таълим факултети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш .....	159
<b>ФАНИМИЗ ФИДОИЛАРИ</b>	
<b>Аҳмаджон Қўшақович Ўринов</b>	163
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	166

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ФЕЛЬЛИ БОГЛANIШ” ЛИСОНИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА**

**“ГЛАГОЛЬНАЯ СВЯЗОЧНОСТЬ” КАК ЯЗЫКОВАЯ КАТЕГОРИЯ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**“VERBAL LINKING” AS A LANGUAGE CATEGORY IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES**

**М.Эргашев**

**Аннотация**

*Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидағи феълли боғланиш, яғни феъл бирлиги ёрдамида ифодаланған отли курилма элементтери орасыдағи боғланишлар ўрганилған.*

**Annotation**

*In the article “verbal linking” in English and Uzbek languages, such as the connections between noun construction elements represented with the help of a verb unit have been researched.*

**Annotation**

**Таянч сүз ва иборалар:** феъл, боғловчи феъл, лисоний категория, отли курилма, соф лисоний концепт, феълли боғланиш.

**Ключевые слова и выражения:** глагол, связочный глагол, языковая категория, именная конструкция, чисто языковой концепт, глагольная связочность.

**Keywords and expressions:** verb, link verb, language category, noun construction, pure language concept, verbal linking.

Маълумки, тилшунос олимлар тил тизимидағи пропорциялар, объектлар ва уларнинг характеристикаларини боғловчи элементларни анъанага кўра ёрдамчи тил бирликларига киритишади. Боғловчи тил бирлиги тушунчаси ёрдамчилик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ, чунки тилда боғланиш борлиқдаги боғлиқпикнинг инъикоси сифатида мавжуд бўлади ва соф лисоний концепт орқали ифодаланади. Боғловчи феълни қўллашдан кўзланадиган грамматик мақсад моҳияти предмет номини белги номи билан лисоний жиҳатдан бириктиришдан иборат.

Ҳақиқатан, бу ҳақда бизнинг кундалик турмушдаги тажрибамиз далолат беради, предмет ва унинг белгилари бир-биридан ажralmas ҳисобланади. Олам манзарасида «предметлар ва воқеаларнинг алоҳида мустақил белгилари эмас, балки борлиқнинг яхлит объектлари» намоён бўлади [1,22]. Н.Д.Арутюнова таъкидлаганидек: «Фақат тилгина аслида жонли ажратиб бўлмайдиган боғлиқлиқда берилган хилқатни маълум даражада сунъий тарзда яхлит ҳодисаларни бўлакларга ажратади» [2,69]. И.Б.Шатуновский ҳам предмет ва унинг белгилари хусусида худди шундай фикрни билдиради: «Фақат тафаккур ва унинг натижаларини мустаҳкамловчи тил белгини

предметдан, предметни эса белгидан ажратади» [3,78]. Бундан кўринадики, фақат тил ёрдамида предметдаги маълум сифат ва белгилар ажратиб олинади ва ундан алоҳида тарзда англанади, боғловчи феъл эса бу тафсилотларни замон, шахс, сон ва бошқа грамматик категориялар ҳамда давомийлик, бир марталик, кўп марталик каби категорияларига мувофиқлаштиради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, феълнинг боғловчилик маъносини намоён этишнинг когнитив механизми бир соҳага тегишли предмет ва унинг белгиларининг тасаввур қилинишига асосланади ҳамда турли концептларни бирлаштиришга хизмат қилувчи боғланишлардан фарқ қиласи.

Шундай қилиб, бизнинг онгимизда турли грамматик (феъллар, боғловчилар, предлоглар ёки бошқалар ёрдамидағи) боғланиш усууллари, яғни боғловчилик маъносини ифодалашга ёрдам берувчи грамматик хусусиятлар тўпламидан иборат «боғловчилик» деб аталувчи грамматик концепт ҳақидаги тасаввур мавжуд. Шу муносабат билан феълли боғлиқлик категорияси ва «феълли боғланиш» асосида ётган концепт тушунчаси кабилар фарқланади. Бу концептнинг тузилиши (структураси) ва

М.Эргашев – ҚДПИ факультетлараро чөт тиллари кафедраси ўқитувчиси.

## ТИЛШУНОСЛИК

хусусиятларини тавсифлашга уринишдан олдин концепт ва унинг характеристикалари деганда нималар тушунилишини аниқлаштириб олишни жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, борлик инсон онгидаги муайян билим структуралари тарзида акс этади, сўзловчи уларга жумлалар тузатганида тилнинг лексик тизимиға мурожаат қиласди. Бу билим структуралари концептлар, «билим квантлари», мазмунлар бўлиб, улардан одам фикрлаш жараёнида фойдаланади. Концепт «комплекс фикрланадиган образ, тафаккур бирлиги ҳисобланади ва коммуникация жараёнида бирор-бир нутқ воситалари ёрдамида вербаллаштирилади» [4,17] Худди шунингдек, «Тилда қайд қилинадиган структуралар, билимлар, - Е.С. Кубрякова ёзганидек, - бу, энг аввало, «табиий» структуралар, тажриба, дунёни англаш ва баҳолаш структураси бўлиб, улар мазкур лисоний ҳамжамият аъзоларининг барчасига тақсимланади, шу боис улар «бошқа манбалардан олинган билимлар» (shared knowledge) соҳасига киради [4,8]. Табиийки, мавхумлашган бирликлар факат инсон онгидаги мавжуд бўлгани учун, концептлар ўз маъноларини тил бирликлари воситасида ифодаланишини талаб этади, уларнинг қай бирини танлаш эса жумланинг нимага йўналтирилгани билан белгиланади.

Концептлар мажмуи оламнинг концептуал манзарасини ҳосил қиласди, у жуда ҳам мураккаб бўлиб, табиий концептларни ҳамда тилда мавжуд бўлган лисоний концептларни ўз ичига олади. Бунда тилнинг ўзи ҳам реал борлик обьекти ҳисобланади, айни пайтда дунё, тилнинг ўзи ҳамда тил мазкур билимларни қандай акс эттириш ҳақидаги барча билимларни, яъни «бевосита оламни концептлаштиришимизни акс эттиради». А.Уфимцеванинг фикрига таянадиган бўлсак, «тил одамга предметли дунёни обьективлаштириш, ўз ғоя ва қарашларини шакллантиришга ёрдам беради...». [5,109]. Тил тизими тузилиши ва унинг ишлашини ўрганиш тил структуралари одамнинг дунё ва тил ҳақидаги билимларининг қандай акс эттириши ҳақидаги саволга жавоб излашига қаратилган.

Экстраглигистик билимлар билан биргаликда ҳар қандай киши лисоний фаолият пайтида ўз лисоний билимларини эгаллайди ва кўллайди. Чиндан ҳам, тилда лексик концептлардан ташқари, тилнинг ўзининг концептлари ҳам мавжуд, улар обьектив оламда референцияларига эга эмас ҳамда тил тизимининг структурали ташкил топиш мақсадларига хизмат қиласди.

Лисоний билимлар грамматик маънолар тарзида, яъни «тилда мунтазам ифодасига эга қатор сўзлар, сўз шакллари, синтактик конструкциялар умумлаштирилган, мавхум лисоний маънолар» кўринишида ўз аксини топган. Бундай концептлар лисоний (грамматик) маъноларнинг вербализатори сифатида умумий грамматик белгилар ифодачиси бўлмиш сўз, сўз шакллари, синтактик конструкциялар ҳамда грамматик маъноларни ифодаловчи воситалар, яъни ёрдамчи морфемалар ва уларнинг мажмуи, ёрдамчи сўзлар ва бошқалар хизмат қиласди.

Оламнинг концептуал ва лисоний манзаралари ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, «тил оламнинг концептуал манзараси мазмунини маънолаштиради ва талқин этади». Қомусий ва лисоний билимлар бир-биридан алоҳида эмас, балки ўзаро мавжуд ва ўзаро ишлайди. Мазкур билимлар концептлар кўринишида тил бирликларининг маъноларида ўз аксини топади ҳамда Н.Болдирев таъкидлаганидек: «оламнинг лисоний модели ва концептуал модели орасидаги чегара беқарор ва ноанидек туюлади» [6,271]. Шу билан бирга лисоний ва қомусий билимлар ўртасида аниқ чегара қўйиб бўлмайди. Бу, мазкур билимларга асосланувчи лексик ва грамматик маъноларни қиёслаш имконини беради.

Оламнинг концептуал манзарасида бошқа концептлар билан бир қаторда «феълли боғлиқлик» концепти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу, бошқа тил бирликлари орасида феълнинг боғловчи элемент сифатида хизмат қила олиш хусусияти ҳақидаги тасаввур бўлиб, тилда мазкур концептни ифодаловчи ифода воситалари, яъни боғловчи феъллар мавжуд. Олам манзараси табиий обьектлар концептлари ҳамда лисоний концептларни ўз ичига олишини тушунган ҳолда «феълли боғлиқлик» концептини биз класификацион, яъни тил тизимиға йўналтирилган, деб аниқлаймиз. Биз уни яна синтактик грамматик концепт деб ҳисоблаймиз, чунки у “маълум, яъни субъект билан предмет ўртасидаги доимий муносабатни, жумладан, субъект белгисининг мавжудлигини ёки ҳолат ўзгаришларига дучор бўлишини ифодалайди” [6,47].

Шунга мувофиқ, борлиқни турли жиҳатларда ифодаловчи боғловчи феъллар семантикасида компонентларни аниқлаш когнитив жиҳатдан белгиланган. Бундай аспектларга, назаримизда, белги (маконда муайян жойга эга субъект ҳаракати), мавжудлик фазаси (бошланиши ва давоми), белги (перцептив ҳис-туйғулар)ни қабул қилиш усулига эга субъектнинг мавжудлиги усулини

киритиш мүмкін. Бөгловчи феълнинг лексик маъноси гап ёки жумладаги субъект билан белги ўртасидаги мавжуд муносабатнинг конкрет аспектини аниқлаштириб олишга ёрдам беради. Бундай аниқлаштириши Р.Лэнгекер томонидан таклиф этилган «ихтисослаштириш» ёки «профиллаштириш» атамаси билан номлаш таклиф этилган [7,284].

Бөгловчи элементининг роли америкалик типолог Л. Талми томонидан киритилган, фигура ва фон тушунчалари орқали очиб берилиши мүмкін [8,165] Бир объектни бошқалари фонида ажратишдан иборат бўлган борлиқнинг инсон томонидан нотекис қабул қилиниши ва категоризацияланиши гап ва жумлада бирор-бир ҳодисани нотекис акс этилишига ҳам олиб келади. Гапираётган пайтда сўзловчи учун муҳим бўлган нарса гап семантикасида фигура сифатида ажратилади ва намоён бўлади. Гап ёки жумланинг қолган компонентлари маънолари фон бўлиб хизмат қиласи.

Концептнинг синтактик характерини ҳисобга олган ҳолда «феълли боғлиқлик», синтактик фигура ва синтактик фон ҳақида гапириш қулайроқ. Фигура дейилганда, пропозициянинг ажратилган элементини тушунган ҳолда, биз бөгловчи феъл вазифаси синтактик жиҳатдан дикқатни субъектни характерлашга жамлашдан иборат, яъни субъект воқеанинг фони сифатида намоён бўлганида, унинг фигурасига айлантиришимиз керак, деб

тахмин қиласиз. Шундай қилиб, бөгловчи феъл грамматик маъноси ёрдамида белгини субъект билан мувофиқлаштиради, лексик маъно ёрдамида эса белгини фигурага айлантиради ва белгини концептуаллаштириш қуроли сифатида намоён бўлади.

Юқорида айтилганлар асосида «феълли боғланиш» синтактик концептнинг ўзига хос жиҳати (унинг асосий функцияси) унда лисоний ва нолисоний билимларнинг бирлаштирилганлигидан иборатлиги ҳақида хулоса қилиш мүмкін, яъни мазкур концепт моҳиятнан грамматик характердаги билимларни етказади. Бундан ташқари, экстралингвистик билимларни, яъни борлиқ ҳақидаги мулоҳаза шаклидаги муайян концептуал мазмунни ҳам акс этиради. Бу борлиқдаги объектлар ва уларнинг барча белгилари ўртасидаги реал алоқаларнинг мавжудлиги ҳақидаги билимлардир. Функционал миёсда ўз грамматик маъносини ифодаловчи феъллар қайд этилган концептнинг репрезентантлари сифатида ўзлигини намоён этади ҳамда предмет ва унинг белгиси ўртасидаги алоқаларнинг синтактик белгиланган жиҳатларини ҳам акс эттиради. Алоҳида олинган бир концепт бөгловчи феъллар категорияси асосида ётади, уларнинг таркиби ва мазмуни инглиз ва ўзбек тилларидаги ёрдамчи ва мустақил феълларнинг қўлланиши жиҳатидан, шубҳасиз, қизиқиш ўйғотади.

#### Адабиётлар:

- Пыжкова М.Г. Аргументация, убеждение и коммуникация / М.Г. Пыжкова // Стратегии коммуникативного поведения: материалы докладов Междунар. науч. конф., Минск, 3–4 мая 2001 г.: в 3 ч. / Минский гос. лингвист.ун–т; редкол.: Д.Г. Богушевич [и др.]. – Минск, 2001.
- Арутюнова Н.Д. Связка // Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. –М.: Большая Российская энциклопедия, 2000.
- Шатуновский, И.Б. Семантическая структура предложения, «связка» и нереферентные слова / Шатуновский И.Б. // Вопросы языкоznания. –1993. –№3.
- Кубрякова, Е.С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке:Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира /Е.С.Кубрякова; Рос.акад. наук, Ин-т языкоznания. – М: Языки славянской культуры, 2004.
- Уфимцева, А.А. Роль лексики в познании человеком действительности и в формировании языковой картины мира / Уфимцева А.А. // Роль человеческого фактора в языке. – М: Наука, 1988.
- Болдырев, Н.Н. Теоретические аспекты функциональной категоризации глагола / Болдырев Н.Н. // Моделирование процессов функциональной категоризации глагола: Кол.моногр. – Тамбов: Изд–во Тамб. ун–та, 2000а.
- Langacker, R.W. Concept, Image, and Symbol: The Cognitive Basis of Grammar / Langacker R.W. // Cognitive Linguistics Research 1. – Berlin / New York: Mouton de Gruyter.
- Talmy, L. The Relation of Grammar to Cognition / Talmy L. // Topics in Cognitive Linguistics. – Amsterdam: John Benjamins, 1988.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).